

АҚШнинг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази экспертлари билан учрашув ҳақида

СМТИда АҚШнинг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлари маркази экспертлари билан учрашув ташкил этилди. Учрашув давомида минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб масалалари муҳокама қилинди.



Томонлар бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган янги жараёнларга эътибор қаратишди.

Шу билан бирга, минтақавий хавфсизликни таъминлаш доирасида Афғонистондаги вазиятга доир фикрлар алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишдаги рўли алоҳида таъкидланди.



Учрашув якунида, АҚШнинг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлари маркази экспертлари СМТИ билан ҳамкорлик жараёнини юқори баҳолаган ҳолда, Институт билан келгусидаги ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга тайёр эканликларини таъкидлашди.

